*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2008 йил 10 июнь ● сешанба ● № 26 (585) ● e-mail: inson_va_qonun@mail.ru




*"Ёшлар йили" Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унга қарашли муассасалар томонидан ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга оид*

**3443 маротаба**

*ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб борилди. Шулардан*

**529 та**

*тушунтириш тадбирлари ОАВ орқали — телекўрсатув, радиоэшиттириш ва матбуот чиқишлари тарзида амалга оширилди.*

*Шунингдек, тушунтириш маърузалари, давра суҳбатлари, семинарлар, илмий-амалий анжуманлар тарзида*

**2825 та**

*оғзаки тарғибот тадбирлари ўтказилди.*

*Ҳуқуқий мавзуда*

**53 та**

*дарслик, ўқув ва ўқув-услубий қўлланмалар, рисолалар ҳамда бошқа материаллар чоп этилди. Ҳуқуқий тарғибот ишларини кўргазмали қуроллар ёрдамида олиб боришга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб,*

**36 турдаги**

*плакат ва буклетлар тайёрланди.*

2

● 2008 йил — «Ёшлар йили»

## БУГУН ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ ТАЪСИС ЭТИЛГАН КУН

### Ёш авлодга эҳтиром

**1993 йил 4 март**
*«Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди.*

**1993 йил 23 апрель**
*«Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилди.*

**1994 йил 13 июнь**
*Вазирлар Маҳкамаси «Ёшларнинг ҳуқуқий таълимини такомиллаштириш комплекс дастури тўғрисида» қарор қабул қилди.*

**1999 йил 10 июнь**
*Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди.*

**2000 йил 25 август**
*Ўзбекистонда ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш «Ниҳол» мукофоти жорий қилинди.*

**2001 йил 25 апрель**
*«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил топди.*

**2006 йил 14 март**
*Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон ёшларининг «Келажак овози» республика танловини ҳар йили ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилди.*

**2007 йил 18 май**
*Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.*



Суратда: *Зулфия номидаги Давлат мукофотининг жорий йилги совриндорлари Нозимахоним Холиқова (таълим йўналиши бўйича, Фарғона вилоятидан) ва Дурдона Абдуманнопова (адабиёт йўналиши бўйича, Тошкент вилоятидан).*

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

● Моҳият

## МАЪНАВИЯТ — МУҲИМ МЕЗОН

**Адлия вазирлигида Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" китоби тарғиботига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда вазирлик мутасадди ходимлари, зиёлилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**

"Маънавият — инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, имон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир" — дейилади Юртбошимиз китобида маънавият тушунчасига таъриф берилиб. Дарҳақиқат, ушбу ўлмас мезоннинг мазмун-моҳияти, айниқса, мустақиллик йилларида жамиятимиз ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий, маърифий-ахлоқий аҳамияти тобора теранлашиб бораётгани бугун барчамиздан бу тушунчага бефарқ бўлмасликни талаб этади.

Тадбирда иштирок этган Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети доценти, тарих фанлари номзоди Нилуфар Жўраева мазкур жиҳатга тўхталар экан, бу борада маънавий тарбия масаласига эътибор муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлади.

Сўзга чиққанлар асарда ўртага қўйилган муҳим ижтимоий-сиёсий масалаларнинг моҳияти ҳақида ўз фикрларини билдирдилар.

**Шавкат САТТОРОВ**

## Шу сонга хабар

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида вазирлик ҳамда Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш маркази ходимлари ва республика Давлат божхона қўмитаси вакиллари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

### РЕЖА МУҲОКАМАСИ

Мазкур тадбир 2007 йилда Давлат божхона қўмитасининг фаолияти устидан ўтказилган мониторинг якунлари юзасидан ишлаб чиқилган божхона қонунчилиги ва божхона органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича тадбирлар режасининг муҳокамасига бағишланди. Шунингдек, Давлат божхона қўмитасида тайёрланаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича олиб борилаётган ишларнинг ҳолатига ҳам тўхталиб ўтилди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш механизмини янада самарали йўлга қўйиш, шунингдек, Давлат божхона қўмитасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича олиб борилаётган ишларни такомиллаштиришнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

**(Ўз мухбиримиз)**

● Адлия ёрдам берди

### ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯ ЭТИЛДИ

**Сурхондарё вилояти адлия бошқармасининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимига жорий йилнинг ўтган уч ойи мобайнида 72 та ариза ва шикоят келиб тушди. Уларнинг 10 таси қаноатлантирилиб, 17 та ариза юзасидан ҳуқуқий тушунтириш берилди. 29 ариза ва шикоят тегишлилигига кўра жойларга юборилди. 6 та ариза асоссиз деб топилди.**

Шу йилнинг ўтган даврида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича йўл қўйилган қонунбузарликларни бартараф этиш тўғрисида турли хил идора ва корхоналарга 5 та тақдимнома киритилди. Шунга кўра 9 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди.

Фуқаро Ш.Холиқова "Ўзагросуғурта" давлат акциядорлик компаниясининг "Шарғун ДАСК" бўлимидан суғурта пулини ололмаётганлигидан норози бўлиб ёзган аризаси ўз жойида ўрганилди ва бу чигал масала юзасидан тўпланган ҳужжатлар расмийлаштирилиб, фуқаролик ишлари бўйича Сариосиё туманлараро судига даъво ариза киритилди.

Шеробод туманида истиқомат қилаётган фуқаро С.Темирова ТИФ "Миллий банк"ининг Шеробод тумани бўлимидан имтиёзли кредит олишда сусткашликка йўл қўйилаётгани туфайли ёрдам беришни сўраб ёзган аризаси атрофлича ўрганиб чиқилди. Фуқаро С.Темированинг имтиёзли кредит ажратишни сўраб банкка қилган мурожаатига банк раҳбарияти томонидан **"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"**ги Қонун талабларига хилоф иш тутилганлиги аниқланди.

Юқоридаги қонунбузилишлар юзасидан ТИФ "Миллий банк"ининг Шеробод тумани бўлими бошқарувчиси Ш.Қоралиев бу каби қонунбузарликка такроран йўл қўйса, амалдаги қонун талабларига кўра, жавобгарликка тортилиши тўғрисида огоҳлантирилди.

**Баҳриддин ҒАФФОРОВ,**
**Шуҳрат НАЗАРОВ,**
**Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси ходимлари**

● Мактуб

### «ТАҲРИРИЯТДАН МИННАТДОРМАН»



**Ҳурматли таҳририят!**

Мен ўзимиз яшайдиган ҳудудда сартарошхона қуриб, Давлат комиссиясидан ўтказиб, фаолият бошлашим учун барча талаб этилган ҳужжатларни мутасадди идоралардан тасдиқлатиб, Сайхунобод тумани ҳокими ўринбосарига тақдим этган эдим. Аммо ҳокимликдан ижобий жавоб ололмадим. Шундан сўнг сизларга ариза билан мурожаат этган эдим.

Таҳририятнинг топшириғига биноан газетангизнинг ҳудудимиздаги мухбири ва сизларнинг ёрдамларингиз билан муаммо тез ҳал этилди ва сартарошхона биносини фойдаланишга қабул қилиш комиссиясидан ўтказилиб, туман ҳокимининг қарори чиқди.

Мен тадбиркорлик фаолиятини бошладим.

Бутун оила аъзоларимиз, шахсан онам сизларга беҳад миннатдорчилик билдиришимни тайинладилар. Мен сизларга бу ёрдамларингиз учун катта раҳматлар айтаман.

Ҳозирда қишлокдошларимга қўлимдан келган яхшиликларни қилаяпман.

**Ҳурмат билан**
**Жасур ЖЎРАЕВ,**
**Сайхунобод тумани**
**Шўрўзак қишлоғи**

## МУРОЖААТЛАР «ИНСОН ва ҚОНУН» НИГОҲИДА

### ЛАВОЗИМИДАН ОЗОД ҚИЛИНДИ

**"Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетасининг 2008 йил 18 мартдаги 12-13-сонида чоп этилган "Тескари уддабуронлик" номли мақола ТИФ "Миллий банк"и томонидан ўрганилди.**



Мақолада танқид остига олинган салбий ҳолат юзага келишига сабабчи бўлган банк ходими М.Маматовага ҳайфсан эълон қилинди, бош ҳисобчи Ф.Қўчқоров эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Шу билан бирга, банк бўлимлари ва филиаллари бошқарувчилари зиммасига банк ишини юритишда олиб борилаётган ички назоратни кучайтириш, ҳужжатларни расмийлаштиришда қонунчиликда ўрнатилган тартиб-қоидаларга риоя этиб борилишини таъминлаш вазифаси юклатилди. Келгусида бундай камчиликларга йўл қўйилса, эгаллаб турган лавозимларидан озод этиш чоралари кўрилиши тўғрисида огоҳлантирилдилар.

**М.АБДУЛЛАЕВ,**
**ТИФ "Миллий банк" бошқаруви раиси биринчи ўринбосари**

### АМАЛИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛАДИ

**Шофиркон тумани, Ҳ.Олимжон кўчаси, 12-уй, 4-хонадонда истиқомат қилувчи фуқаро И.Шириpraванинг газетага йўллаган аризаси вилоят ҳокимлиги ва вилоят ҳудудий уй-жой мулкдорлари ширкати мутахассислари иштирокида жойида ўрганиб чиқилди.**

12-уйда истиқомат қилувчи мулкдорлар ва ариза муаллифига мукаммал таъмирлаш ишлари Адлия ва Молия вазирликлари, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда "Ўзкоммунхизмат" агентлиги билан келишилган, 2004 йил 14 сентябрда тасдиқланган 1408-сонли **"1991 йилгача қурилган турар жойларни мукаммал таъмирлашни молиялаштириш тартиби"**га асосан амалга оширилганлиги тўғрисида тушунтириш берилди.

Шунингдек, ариза муаллифининг яшаб турган хонадонини хусусийлаштиришда амалий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги мурожаати ҳам кўриб чиқилди.

Президентимизнинг 2006 йил 14 январдаги ПҚ-257-сонли **"Ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида"**ги Қарори билан тасдиқланган Низомнинг 6-бўлими 210-бандига асосан ҳарбий хизматчиларга уй-жойларни хусусийлаштириб беришда имтиёз берилган.

Мазкур имтиёздан фойдаланиш учун ариза муаллифи Шофиркон туман ҳарбий мудофаа ишлари комиссиясидан тегишли қарор ва ҳужжатларни расмийлаштириши лозим.

Бинобарин, мутасадди шахсларга ариза муаллифининг хонадонини хусусийлаштиришда ва ҳужжатларни расмийлаштиришда амалий ёрдам кўрсатиш топширилди.

**Асад АҲМЕДОВ,**
**Бухоро вилояти ҳокими ўринбосари**

• 2008 йил — "Ёшлар йили"

# ЁШЛАР ИСТИҚБОЛИ ЙЎЛИДА

## ғамхўрлик қилиш, келажак авлод тарбияси учун қайғуриш, ўз эртасини ўйлаш мамлакат сиёсатининг устувор йўналишидир

**Бугунги кунда юртимиз аҳолисининг 64 фоизини ташкил этаётган ёшларимиз мамлакат интеллектуал салоҳияти, куч-қудратини дунёга намоён қилиб турибди. Истаган соҳа тараққиётидан тортиб мустақил Ўзбекистоннинг мудофаа қудратигача салмоқли ўрин тутган навқирон ёшларимиз шижоати билан улкан ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, бир қатор муҳим ва масъулиятли вазифаларни ўз зиммасига олган Адлия вазирлиги тизимида ҳам кўплаб ёш йигит-қизлар турли вазифаларда муваффақиятли фаолият кўрсатиб келаётгани бунга бир мисолдир.**

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қалби қайноқ ёшларимизнинг яратувчан халқимиз сафида озод юртимиз ободлиги, ёрқин истиқболи учун мардона ишлаши, билим ва тафаккур чўққиларига интилиши, аввало, уларни юксак маънавиятли қилиб вояга етказаётганимиз, ёш авлодга ҳар томонлама эътибор қаратиб келинаётганидан, далолат беради. Зеро, истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ келажагимиз пойдевори бўлган ёшларга Юртбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан катта ғамхўрликлар кўрсатиб келинаётир. Шу йиллар давомида Президентимизнинг бир қатор Фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида ёш авлодни соғлом ва маънан баркамол қилиб вояга етказиш, таълим-тарбия бериш, ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш, улар учун зарур шарт-шароитлар яратишнинг мустаҳкам асослари ёрқин акс этди.

Президентимиз ташаббуси билан 2008 йилнинг "Ёшлар йили" деб номланиши кенг қамровли ишларимизнинг янада юксак довони бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 29 февраль куни эълон қилинган **"Ёшлар йили" Давлат дастури тўғрисида**"ги Қарори билан тасдиқланган "Ёшлар йили" Давлат дастурида келажагимиз ворислари бўлган ёшларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бу борада мавжуд муаммоларни ҳал этиш, уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига кенг имкониятлар яратишнинг муҳим чора-тадбирлари белгилаб берилди. Шунингдек, республикамизда мавжуд 950 мингдан зиёд ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалаларига эътибор қаратилди.



Мазкур давлат Дастурини амалга ошириш юзасидан Адлия вазирлигида ҳам тармоқ дастури ишлаб чиқилди ва ушбу дастур ҳаётга изчил татбиқ этиб келинаётир. Вазирлик тизимидаги бошқарма ва муассасалар томонидан мазкур тармоқ дастури бўйича ўз йўналишидан келиб чиқиб қуйидаги алоҳида вазифаларни бажаришга аҳамият қаратилмоқда.

1. Ёшларнинг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш.

2. Таълим соҳасида илгари қабул қилинган умуммиллий давлат дастурларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш.

3. Таълим ва кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан ошириш, мустақил фикрлайдиган, ўзининг қатъий ҳаётий эътиқод ва қарашларига эга бўлган ёшларни тарбиялаш.

4. Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларининг ишга жойлашиши ҳамда меҳнат жамоаларида мослашувига кўмаклашиш чора-тадбирлари.

5. Ёшларнинг, айниқса, кичик шаҳарлар ва қишлоқларда ишга жойлашишига кўмаклашиш.

6. Болаларнинг ижодий иқтидори ва қобилиятини барвақт аниқлаш учун шарт-шароитлар яратиш.

7. Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг маънавий бой ва жисмонан соғлом болаларни тарбиялаши учун муносиб уй-жой ва маиший турмуш шароитларини яратиш.

8. "Ёшлар йили" Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари, дастурни амалга ошириш борасидаги чора-тадбирларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказишга қаратилган кенг кўламли ахборот-тарғибот ишларини ташкил этиш.

Айни пайтга келиб тармоқ дастури доирасида Адлия вазирлиги ва унга қарашли муассасалар томонидан ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга оид 3443 маротаба ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб борилди. Шулардан 529 та тушунтириш тадбирлари ОАВ орқали — телекўрсатув, радиоэшиттириш ва матбуот чиқишлари тарзида амалга оширилди.

Шунингдек, жойларда тушунтириш маърузалари, давра суҳбатлари, семинарлар, илмий-амалий анжуманлар тарзида 2825 та оғзаки тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Ҳуқуқий мавзуда 53 та дарслик, ўқув ва ўқув-услубий қўлланмалар, рисолалар ҳамда бошқа материаллар чоп этилди. Ҳуқуқий тарғибот ишларини кўргазмали қуроллар ёрдамида олиб боришга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, 36 турдаги плакат ва буклетлар тайёрланди.

Мустақил юртимиз ёшларининг ғайрат-шижоати улар орзулаган юксак чўққиларга монанд эканлиги ишончу ғururимизни оширади. Бундай ватанпарвар, элу юртига садоқатли, юксак иқтидорли ёшлари бор миллатнинг эртаси гўзал, иқболи ёруғ бўлажак. Юртбошимиз доимо истиқболимиз эгалари бўлган ёшларга суяниши, ёшларга ишонишини таъкидлайдилар. Уларга кўрсатилаётган буюк ғамхўрликлар, ҳар томонлама эътибор замирида ана шу ишонч ва умид, улуғвор мақсадларимиз мужассам. Мамлакатимиз ҳаётининг ҳар жабҳасида ёшларнинг ўз ўрни борлиги уларнинг эзгу интилишларига кенг йўл очилганлиги, яратилаётган беқиёс имкониятларнинг самараси, ҳаётий ифодасидир.

Ёшлар бизнинг издошларимиз, деймиз. Энг қувонарлиси шундаки, мустақил юртимизнинг ҳар соҳада юксак марраларни эгаллаши, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида нуфузи ортиб бориши, улуғ мақсадларга эришишимизда ёшлар нафақат издошларимиз, балки елкадош бўлиб жўшқин ёшлик қудратини намоён қилмоқдалар. Хусусан, ўз соҳасини чуқур билиш ва амалиётда қўллаш борасида жаҳоннинг тажрибали мутахассисларидан асло қолишмайдиган, улар билан тенг фикрлаша оладиган ҳуқуқшунос ёшларимиз кўп эканлигини ҳеч иккиланмай айта оламиз.

Улуғ аждодларга муносиб камол топаётган ёшларимизнинг ёрқин истиқболи учун мустаҳкам пойдевор яратилди. Зеро, жамиятимиз таянчи, эртанги кун эгалари бўлган ёшлар озод ва обод мамлакатимизнинг ёруғ келажагидир. Муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганидек, ҳар қайси миллат, аввало, ўз фарзандлари қиёфасида, униб-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида шу халққа хос хусусият ва фазилатларни намоён этадиган, унинг азалий орзу-интилишларини рўёбга чиқарадиган буюк кучни кўради.

**Давлатназар МАТРАСУЛОВ,**
**Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи**

---

# Тизим тадбирлари

## АМАЛИЁТДАГИ САМАРАЛИ УСУЛ

**Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан "Жарима тариқасида жиноий жазони тайинлаш ва ижро этишнинг ўзига хос хусусиятлари: (амалиёт ва назария)" мавзуида семинар ташкил этилди. Унда суд-ҳуқуқ тизими ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар ва тадқиқотчилар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар.**

Анжуманда "Жиноий жазолар тизимида жарима жазоси", "Жиноий жарима ва уни тайинлашнинг ўзига, хос хусусиятлари", "Жарима жазоси ва уни ижро этиш жараёнида юзага келаётган муаммолар" номли маърузалар катта қизиқиш билан тингланди ва қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Шунингдек, тадбирда жарима жазоси суд амалиётида мақсадга эришишнинг энг самарали усулларидан бири эканлиги, мазкур жазо айбдорни қайта тарбиялашда муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди.

**Дилфуза РАҲИМБЕКОВА,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

## ЯНА БИР ХАЙРЛИ ТАДБИР

### ФҲДЁ фаолиятига бағишланади

**Тошкент шаҳридаги 1-сонли ФҲДЁ бўлимида "Энг яхши ФҲДЁ ходими" Республика кўрик-танловига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.**

Бу танловнинг асосий мақсади, намунали иш фаолияти билан бошқаларга ўрнак бўлаётган ФҲДЁ ходимларини моддий ва маънавий рағбатлантириш, соҳа бўйича малака ва касб тажрибаларини янада ошириш, муқаддас оилани барпо этишда ибратли ишларни ҳаётга татбиқ этишдан иборат. Анъанага мувофиқ, танловда маънавият ва маърифат, маданият ва санъат йўналишларида ФҲДЁ ходимларининг билим ва маҳоратлари синовдан ўтказилади. Бу ўз навбатида мазкур соҳа ходимларининг фуқароларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш маданияти ва касб малакасини ошириш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот ишларини кучайтиришга хизмат қилади.

Ушбу танлов шу йилнинг 16 июнида Ўзбек Миллий академик драма театри биносида ўтказилиши режалаштирилмоқда. Танлов юқори савияда ўтиши учун зарур воситалар ҳозирлаб қўйилди.

**Зумрад АКРОМХЎЖАЕВА,**
**Тошкент шаҳар 1-сонли ФҲДЁ бўлими мудираси**

## ТИББИЙ КЎРИК

**Наманган шаҳар 1-сонли ФҲДЁ бўлимида "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида"ги Низомнинг мазмун-моҳиятига бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

Мазкур тадбир вилоят адлия бошқармаси ва соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорлигида ташкил қилинди. Унда барча туман, шаҳар ФҲДЁ бўлими мудиралари, вилоят ОИТС маркази, тери касалликлари шифохонаси, руҳий касалликлар шифохонаси, марказий поликлиникалар вакиллари иштирок этишди.

Семинарда вилоятда никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш борасида амалга оширилган ишлар ҳамда мавжуд муаммолар ҳақида фикр алмашилди.

**Кабира ТАЛАПОВА,**
**Наманган вилояти адлия бошқармаси ходими**

## БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

**Бозор муносабатлари шароитида айрим корхона ва хўжаликларнинг иқтисодий заифлашуви ёки соғломлашуви одатий ҳол.**

Иқтисодиётимизни заиф субъектлардан тезроқ тозалаш ва фаолиятини қайта шакллантириш орқали эса тараққиётни жадаллаштириш мумкин.

Хоразм вилояти хўжалик суди, адлия, прокуратура, солиқ, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш идоралари ташаббуси асосида уюштирилган конференция бу борадаги устувор вазифаларнинг назарий ва амалий ечимларига бағишланди.

Ҳозир вилоят бўйича 77 та корхонада молиявий соғломлаштириш жараёни амалга оширилаяпти. Анжуманда бу борадаги тадбирларни қонун талаблари асосида изчил бажариш йўл-йўриқлари баён этилди.

**Абдулла СОБИРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

## ФЕРМЕРЛИК ВА МАТБУОТ

**Тошкент вилояти адлия бошқармаси Зангиота тумани ҳокимлигида Зангиота ва Оққўрғон туман газеталарида фермерлик ҳаракатини ривожлантириш масалаларини матбуотда ёритишнинг аҳволи бўйича мониторинг натижалари мавзуида семинар-кенгаш ўтказди.**

**"Фермер хўжаликларининг шартномавий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларини матбуотда ёритишнинг ўзига хос хусусиятлари"** мавзуида қилинган чиқишларда фермер хўжаликларининг шартномавий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари маҳаллий матбуотда ёритилишида нималарга кўпроқ эътибор қаратилиши лозимлиги, бу борадаги камчиликлар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилиб, тавсиялар ўртага ташланди.

**Зоир ЭРГАШЕВ,**
**Тошкент вилояти адлия бошқармаси ходими**

---

• Муносабат

**Яқинда Ўзбекистон телеканалида намойиш этилган "Жаҳолат чангалида" ҳужжатли фильмида инсоният онг-шуурига ўз салбий таъсирини ўтказишга жон-жаҳди билан уринаётган миссионерлик ҳаракати, турли сохта диний оқим, секталар тарафдорларининг чиркин мақсадлари аниқ-равшан фош этилди.**

# ЖАҲОЛАТ ЧАНГАЛИ

## Текин луқма тузоқда бўлади



Уларнинг баъзи содда, эътиқоди суст одамларни жаҳолат ботқоғига етаклаётгани нақадар аянчли. Гипноз ҳолатига туширилган турли ёшдаги кишиларнинг телбавор ҳаракатлари, "тирик худони кўрдим", дея жоҳилларча ишонишлари соғлом фикрли, мустаҳкам эътиқодли кишини, албатта, ҳайратга солади. Барча муаммони ҳал қилиш йўли-ю, омад келтирувчидай талқин қилинаётган масиҳийлик тарафдорларининг қабиҳ ниятини уларнинг тузоғига илинганлар билиши гумон. Руҳий таъсир, психотроп моддалар ёрдамида уларнинг соғлиғига ҳам тажовуз қилган бу "художўй"ларнинг "эзгулиги"ни қандай тушуниш мумкин?!

Мазкур ҳужжатли фильмда бир отахон таъкидлаганидек, ҳеч ким бировга бекорга пул бермайди. Миссионерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаб, унинг фаолиятини маблағ билан таъминлаб турган ёвуз кучлар бор. Бу шунчаки Масиҳга эргаштириш эмас, аслида оқим ва секталар фаолиятини кучайтириш сиёсий, геосиёсий мақсадлар мужассам. Маҳаллий аҳолини дини, миллий маънавиятидан айириб, манқуртга айлантириш билан шу мамлакатга, унинг ер ости ва ер усти бойликларига эга бўлиш иштиёқида ҳар қандай қабиҳликдан қайтмаслик тасвирларда ҳам яққол кўриниб турибди. Бинобарин, фарзандларни ота-онага қарши қўйиш, бировга таҳдид қилиб уйини тортиб олиш ҳеч бир динда йўқ. Психотроп моддалар ёки гипноз ёрдамида худонинг кўриниш бериши бирор муқаддас китобда айтилмаган. Айримларнинг ҳатто пайғамбарлик даъво қилаётгани-чи?! Расмий дин пешволари ҳам бундай оқим ва секталарнинг ҳеч бир динга алоқаси йўқлигини таъкидлашаётир.

Қийинчиликсиз ҳаёт йўқ, бундай кимсалар ҳаёт қийинчиликлари, одамларнинг ташвишларидан ҳам фойдаланиб қолиш, эзгулик ниқоби остида уларни тузоққа илинтириш пайида бўладилар. Аммо текин луқма тузоқда бўлади-да!

— Кўча-кўйда у-бу кишиларнинг "бизнинг динимизга кириш осон" деб қолганини эшитиб турардик. Шунчалик бўлиб кетибди-да, — дейди ҳужжатли фильмни кўрган бир отахон, — Яхшиям маҳалла оқсоқоллари мурожаат қилишиб, бу фалокатни тўхтатибди. Бундай балолар бизнинг маҳаллага йўламасин-а.

"Масиҳийлик", "блогадать", "кришнани англаш", "сатанистлар" каби секталарнинг Тошкент шаҳри, Фарғона вилоятидаги инсониятга қарши бўлган фаолиятига чек қўйилди. Ҳужжатли фильм ижодкорлари юртдошларимиз, ҳар биримизни жиноятчилар, сохта художўйларнинг домига тушиб қолмасликка, фарзандларимиз маънавиятини асраб-авайлашга ундайди.

Албатта, жамиятдаги етакчи фаоллар, кенг жамоатчилик аъзоларининг бундай зарарли оқим ва секталар фаолиятини чуқурроқ тушуниши, кенг таҳлил назари билан ўрганиши аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришлари муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда Адлия вазирлигида "Жаҳолат чангали" ҳужжатли фильмининг видео ёзуви намойиш қилинди.

Фильм якунида қайд қилинганидек, биз ўз тарихига эга халқмиз, ўз миллий тафаккуримизга суянайлик.

**Дилором МАТКАРИМОВА,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

---

• Талқин

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

## Китоб ва журналлар сайёр кўргазмаси очилди

**Бу йил Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганлигига 60 йил тўлади. Шу муносабат билан Президентимиз томонидан 2008 йил 1 майда "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.**

Мазкур Фармон асосида Адлия вазирлиги томонидан инсон ҳуқуқларига оид китоб ва журналлар сайёр кўргазмаси ташкил этилди. 5 июнь куни Тошкент Давлат юридик институтида мазкур сайёр кўргазманинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Адлия вазирлиги ташкилотчилигида маҳаллий ҳокимият органлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг ҳудудий идоралари билан ҳамкорликда ўтказилаётган ушбу сайёр кўргазмада юртимизнинг етакчи нашриётларида инсон ҳуқуқлари мавзуида чоп этилган китоб ва ўқув қўлланмалари, шунингдек, мазкур йўналишдаги журналлар намойиш қилинмоқда.

Сайёр кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар кўргазма аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

Инсон ҳуқуқларига оид китоб ва журналлар сайёр кўргазмаси тадбирлари белгиланган жадвал асосида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда бўлиб ўтмоқда. У 26 июнгача давом этади. Сўнгра йил охирига қадар Тошкент Давлат юридик институти Марказий кутубхонасида намойиш қилинади.

**Камола САДИРОВА**



Суратларда: кўргазмадан лавҳалар. Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар

---

• Қонун моҳияти

# РЕКЛАМА ҚОНУНЧИЛИГИ

## такомиллашмоқда

**Мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш ва қулай тадбиркорлик муҳитини яратиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес жадал суръатларда ривожланмоқда, иқтисодиётда хусусий сектор кенгаймоқда.**

Хусусий секторнинг жадал ривожланаётгани оммавий ахборот воситалари, яъни реклама тарқатувчилар фаолияти мисолида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган фақат реклама тарқатувчи оммавий ахборот воситаларининг сони 970 тани ташкил этади. Уларнинг аксарияти давлат бюджетидан молиялаштирилмайди. Хусусан, Республикамизда 74 та телерадио воситалари фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг бор-йўғи 15 таси давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади. 69та телерадиостанциялар ўз маблағлари ҳисобидан фаолият юритмоқда.

2008 йил 11 апрелда Президентимизнинг 2007 йил 23 январдаги Қарори билан тасдиқланган **"Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурининг 4.3-бандини ижро этиш мақсадида "Реклама тўғрисида"**ги Қонунининг 16-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинди.

Мазкур Қонунда ижтимоий рекламали ахборотнинг оммага кенг кўламда тарқатилиши зарурлиги норма сифатида белгилаб қўйилган.

Қонун қабул қилингунга қадар амалда бўлган **"Реклама тўғрисида"**ги Қонуннинг "Ижтимоий рекламали ахборот" деб номланган 16-моддаси учинчи қисмида фақат фаолияти давлат бюджети ҳисобидан тўлиқ ёки қисман молиялаштириладиган реклама тарқатувчилар реклама учун ажратилган эфир вақтининг (нашр майдонининг) камида беш фоизи ҳажмида ижтимоий рекламали ахборотни бепул жойлаштириши зарурлиги белгилаб қўйилган эди. Мазкур модданинг биринчи қисмидаги қоидага кўра, ижтимоий рекламали ахборот сирасига соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, энергия ресурсларини сақлаб қолиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда хавфсизлигини таъминлаш сингари нотижорат йўсиндаги ахборотлар киради.

Ижтимоий рекламали ахборотнинг ижтимоий аҳамияти муҳимлиги ҳисобга олинган ҳолда, учинчи қисмга киритилган ўзгартишларда ижтимоий рекламали ахборот фаолияти, қайси манбалардан молиялаштирилишидан қатъи назар, барча реклама тарқатувчилар томонидан жойлаштирилиши мажбурийлиги белгилаб қўйилди. Шунингдек, ижтимоий рекламали ахборот ҳажми реклама учун ажратилган эфир вақти, нашр ёки реклама майдони умумий йиллик ҳажмининг камида беш фоизини ташкил этиши зарурлиги ҳам аниқлаштирилиб, мустаҳкамланди. Таъкидлаш жоизки, қабул қилинган янги Қонунда ҳам фаолияти давлат бюджети ҳисобидан тўлиқ ёки қисман молиялаштириладиган реклама тарқатувчиларнинг ижтимоий рекламали ахборотни бепул жойлаштириш ҳуқуқи сақланиб қолди.

Умуман олганда, ижтимоий рекламанинг мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислоҳотларда, халқимизнинг бебаҳо қадриятлари, анъаналари моҳиятини оммага етказишда улкан аҳамиятга эга эканлигини инобатга олганда, реклама тўғрисидаги қонунчиликка киритилган мазкур қўшимча ва ўзгартириш бу борадаги ижобий ўзгаришларнинг мантиқий давомидир.

**Жавлон АБДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими**

● Ҳаёт чорраҳалари

# ОИЛАНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ

## ва унинг ҳуқуқий асослари

**Истиқлол йилларида оилани асраб-авайлаш, унинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Чунончи, Президентимизнинг "Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида"ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг "Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ҳаётга татбиқ этилиши ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир.**

Бироқ турли сабабларга кўра, ажралишга қарор қилган оилалар ҳам, афсуски, учраб туради. Албатта, оилавий ажралишлар ҳам қонун асосида тартибга солинган ва бунда ажралаётган эр ёхуд хотиннинг ҳуқуқ ва манфаатлари Фуқаролик, Оила, Фуқаролик процессуал кодекслари ҳамда Олий суд Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги "Судлар томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги ҳужжатлар асосида ҳимоя қилинади.



Фуқаролик процессуал кодексининг 241-моддасига биноан даъвогар никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризаси билан жавобгар доимий яшайдиган манзилдаги фуқаролик ишлари бўйича туман ёхуд шаҳар судига мурожаат қилади. Даъво аризаси ФПКнинг 149-моддаси талабларига жавоб бериши ва унга ажралаётган оилага тааллуқли барча ҳужжатлар илова қилиниши керак.

Шуни унутмаслик жоизки, Оила кодексининг 39-моддасига биноан, ажралишга қарор қилган эр хотини ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин бир йил муддат мобайнида хотиннинг розилигисиз ажралиши тўғрисида даъво қўзғатишга ҳақли эмас. Ушбу меъёр бола ўлик туғилган ёки 1 ёшга тўлмай вафот этган ҳолларда ҳам амал қилади.

Фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро суди томонидан 2007 йил мобайнида никоҳни бекор қилиш тўғрисида 1124 та даъво аризаси кўриб чиқилди. Бу даъволарни иш юритувига қабул қилишдан аввал ҳар томонлама ўрганиб, ажралиш сабабларини чуқур таҳлил қилиб кўрдик. Албатта, оилани сақлаб қолиш мақсадида ишни иккинчи марта кўришга қолдириш ва эр-хотиннинг ярашишлари учун қонунда кўрсатилганидек, олти ойлик муҳлат белгилашга қатъий риоя қиламиз. Ана шундай чора-тадбирлар ва ўтказилган тушунтиришлар туфайли 90 нафар ажралиш арафасида турган оила қайта тикланди. Афсусланарлиси шундаки, 86 та оилада эр (баъзан хотин) спиртли ичимлик истеъмол қилишга муккасидан кетгани туфайли биргаликда яшаши ва умумий рўзғор юритишининг имкони йўқ деб топилди ва никоҳи бекор қилинди. 465 та оила турли ижтимоий сабаблар туфайли, 167 та оила эр-хотиннинг феъл-атвори тўғри келмаганлиги туфайли, 16 та оила эса эр ёхуд хотиннинг озодликдан маҳрум этилганлиги боис қонуний ажратилди. Ҳар қандай кишида нохушлик уйғотувчи мазкур рақамлар ортида нафақат эр ва хотин, балки фарзандлар тақдири ҳам ётибди.

Биз никоҳдан ажратиш ҳақидаги аризани қабул қилиш, ишни кўриш жараёнида эр-хотин қонуний ажралишган тақдирда фарзандлар таъминоти ва уларни тарбиялаш хусусида алоҳида тушунтиришлар олиб борамиз ва кўп ҳолларда ижобий самарага эришамиз.

Дарҳақиқат, оила — муқаддас даргоҳ. Унда эртамиз эгалари — фарзандлар камол топади. Шу боисдан ҳам оилани асраб-авайлаш, ажралишларнинг олдини олиш барчамизнинг бурчимиздир.

**Азизхон МУҲИТДИНОВ,**
**фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро суди раиси**

**Паспорт киши шахсини тасдиқловчи энг муҳим ҳужжат саналади. Лекин баъзан эҳтиётсизлик ёки турли сабаблар туфайли у яроқсиз ҳолга келиши, йўқолиши мумкин. Бундай вазиятларда, айниқса, туман марказидан олисда жойлашган қишлоқларда истиқомат қилувчи фуқаролар учун паспорт олиш ёки уни қайта тиклаш анча ташвиш туғдиради.**

● Қулайлик

# УЗОҒИМИЗ ЯҚИН БЎЛДИ

Маҳалладошларимиз бу каби ишлар учун Ургут туман марказига қатнашар эди.

Одатда, бундай идораларда ҳамиша одам тирбанд бўлади, узундан-узун навбат кутишга тўғри келади. Эндиликда Ургут тумани ИИБ томонидан биз учун янги имкониятлар яратилди. "Илонли" қишлоқ фуқаролар йиғини идорасидан битта хона ажратилиб, бу ерда паспорт ишлари хизмати йўлга қўйилди. ИИБнинг ўз ишига масъул туман ходимлари ҳафтанинг маълум кунлари аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Қишлоғимиз аҳолиси, айниқса, эҳтиёжманд фуқаролар ва кексалар бундай қулайликдан жуда мамнун.

Биз кўпчиликнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилаётган ички ишлар бўлими ходимларига, ўз ҳуқуқий маслаҳатлари билан аҳолига ёрдам бераётган Сирожиддин Назаров, Бахтигул Раҳматиллаева, Алишер Абдурасулов, Баҳодир Рўзиевларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

**Узоқ ОМОНОВ,**
**Ургут тумани**



● Фаолият

# ТАДБИРКОР МАНФААТИ

## доимий эътиборда, тўсиқ ва муаммога йўл қўйилмайди, камчиликлар бартараф этилади

**Мамлакатимизда тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик субъектлари манфаатларига зиён етказган мансабдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар қўлланилишини таъминлаш юзасидан адлия органлари зиммасига катта масъулият юклатилган.**

Мухбиримиз Наманган вилояти адлия бошқармаси бошлиғи Жамолиддин Эргашев билан бошқарма томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида суҳбатлашди.

Тадбиркорларга қулай шарт-шароитлар, имкониятлар яратиб бериш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан ўндан ортиқ қонунлар ва Ҳукуматимизнинг қарорлари ҳаётга татбиқ этиляпти.

Шунингдек, адлия бошқармасида "Ишонч телефони" мунтазам ишлаб турибди ва мутахассислардан иборат навбатчилик қисми фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йил давомида "Ишонч телефони"га 80 дан ортиқ мурожаатлар ва адлия бошқармасига 70 га яқин ёзма ариза келган бўлса, жорий йилнинг уч ойи давомида 26 та мурожаат ва 10 дан ортиқ аризалар келиб тушди, уларнинг ҳаммаси белгиланган муддатларда кўриб чиқилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тадбиркорлар фаолиятига оид муаммоларни тезкорлик билан бартараф қилишда "Ишонч телефони"нинг аҳамияти катта. Масалан, Наманган шаҳрида фаолият кўрсатаётган "Қурилиш савдо цемент" МЧЖ раҳбари С.Дадабоев Наманган вилояти давлат солиқ бошқармаси томонидан жамиятнинг банк ҳисоб рақамидаги ҳаракатларини тўхтатиш ҳақидаги аризасидан норози бўлиб



"Ишонч телефони"га мурожаат қилди. Унинг мурожаати бошқарма мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилиб, давлат солиқ бошқармаси аризасини рад қилиш ҳақида вилоят хўжалик судига жамият манфаатларини кўзлаб, қарши даъво ариза киритилди ва бу масала ижобий ҳал этилди.

**— Тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи ва назорат идоралари фаолияти ҳам таҳлил қилиб бориладими? Бу жараён қандай амалга оширилади?**

— Бу борада Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган иш режасига мувофиқ жорий йилнинг биринчи чорагида Учқўрғон, Косонсой ва Чортоқ туманларидаги бир қатор назорат ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар фаолияти ўрганилди. Жумладан, Учқўрғон туман ҳокимлигида ўтказилган ўрганиш давомида туман ҳокимлиги масъул ходимлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг аризалари билан ишлаш жараёнида **"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"**ги Қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг **"Ижро интизомини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"**ги қарори талабларига риоя этилмаганлиги кузатилди.

Вилоят бўйича биринчи чорак давомида аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш ҳамда айбдор мансабдор шахслар жавобгарлигини кўриб чиқиш юзасидан ҳокимликлар, назорат ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларга 26 та тақдимнома, 13 та огоҳнома киритилди. Натижада ҳокимлик ва назорат органларининг 23 нафар ходими интизомий жавобгарликка тортилди. Ҳокимликлар томонидан амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ келмаган 4 та қарор қонунчилик талабларига мувофиқлаштирилди. Назорат органлари томонидан қабул қилинган 10 та ноқонуний ҳужжатларни бекор қилиш юзасидан судларга даъво аризалари киритилди.

Бундан ташқари, бошқарма томонидан назорат органларининг тадбиркорлик субъектларига нисбатан судларга киритаётган даъво аризалари мунтазам равишда мониторинг усулида таҳлил қилиб борилмоқда. Натижалар шуни кўрсатдики, айрим назорат органлари томонидан тадбиркорлик субъектларига нисбатан судларга асоссиз равишда даъво аризалари киритиш ҳолатлари учрамоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорагида ана шундай аризаларни рад қилиш ҳақида адлия бошқармаси томонидан судларга 7 та қарши даъво аризаси киритилди ва барчаси қаноатлантирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, республикамиз Президенти ва ҳукумати томонидан Адлия вазирлиги идоралари зиммасига юклатилган асосий вазифалардан яна бири кенг жамоатчилик орасида ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боришдан иборатдир. Ҳар бир бўлим ўз соҳаси бўйича ишлаб чиқилган аниқ режа асосида тарғибот ишларини мунтазам равишда олиб бормоқда. Зеро, халқимизда касални даволашдан кўра унинг олдини олган афзал, деган ҳикмат бор. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ва ҳукуматимиз қарорлари ижросини таъминлаш борасида олиб борилаётган тарғибот ишларимиз шу маънода амалий фаолиятимизга ёрдам бериши шубҳасиз.

**Абдуҳошим МАДАТОВ**
**ёзиб олди**

**Адлия вазирлиги турли хилдаги шартномаларни, шу жумладан, давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилиш бўйича контрактация шартномаларининг намунавий лойиҳаларини тайёрлаб, амалиётда қўллаш учун кенг оммага етказмоқда.**

● Адлия назорати

# КОНТРАКТАЦИЯ ШАРТНОМАСИ

## мажбуриятлар ижроси учун масъуллик ҳуқуқий саводхонлигимиз билан белгиланади

Хўжалик шартномаларини тузишда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва ўз ваколати доирасида уларнинг бажарилишини назорат қилиш Адлия вазирлигига юклатилганлигидан келиб чиққан ҳолда, вазирлик ходимлари ҳуқуқий ёрдам тариқасида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида, шу жумладан, қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда фермер хўжаликлари билан контрактация шартномаларини тузиш жараёнларида бевосита иштирок этиб келмоқда. 2007 йил ҳосилидан давлат эҳтиёжи учун бошоқли дон харид қилиш бўйича 96 минг 340 та, давлат эҳтиёжи учун пахта хомашёси етказиб бериш бўйича 93 минг 426 та контрактация шартномасини тузиш жараёнида бевосита иштирок этиб, томонларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, шартномада томонларнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги белгиланган бўлса-да, бунга тўла-тўкис амал қилмаслик ҳолатлари рўй бераётир. Жумладан, 2007 йил давлат эҳтиёжи учун бошоқли дон харид қилиш бўйича шартнома тузган жами 96 минг 340 та хўжаликдан 10 минг 73 таси давлат эҳтиёжи учун маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномавий мажбуриятларни бажармаган.

Адлия ва прокуратура органларининг шартномавий мажбуриятларни бажармаслиги юзасидан ҳамкорликда олиб борилган чора-тадбирлар натижасида 7 минг 39 та шартнома мажбуриятини бажармаган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан дон корхоналарига 43 минг 139 тонна бошоқли дон топширилиб, етказилган зарар ихтиёрий равишда қопланган. Шунингдек, 907 та хўжалик юритувчи субъекти ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ихтиёрий воз кечиш ҳақидаги мурожаат-



лари асосида, улар билан тузилган 20 минг 166 гектар ер майдонини ижарага олиш шартномалари бекор қилинган.

Адлия ва прокуратура органлари томонидан шартномавий мажбуриятларини бажармаган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан 7 минг 259 та огоҳнома ва 613 та тақдимнома киритилган. Шунда ҳам етказилган зарарни ихтиёрий равишда қопламаган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан хўжалик судларига жами 7 миллиард 55 миллион сўм кредит (аванс), етказилган зарар ва жарима суммаларини ундириш бўйича 10 минг 84 та даъво аризаси, 1 минг 721 гектар ер участкасини ижарага олиш шартномасини бекор қилиш ҳақида 53 та даъво аризаси киритилган.

Хўжалик судлари томонидан 5 миллиард 105 миллион сўм кредит (аванс), зарар ва жарима суммаларини ундириш ҳақидаги 9 минг 380 та ҳамда 779 гектар ер участкасини ижарага олиш шартномасини бекор қилиш ҳақидаги 32 та даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилган. Шунингдек, 486 миллион сўмлик 726 та даъво аризалар судда кўрилгунга қадар фермер хўжаликлари томонидан шартномадаги режа бажарилганлиги, моддий зарар тўланганлиги ва имтиёзли кредитлар қопланганлиги сабабли иш юритувдан тугатилган.

Бундан ташқари, адлия органлари ходимлари республика бўйича 2008 йил ҳосилидан давлат эҳтиёжи учун пахта хомашёси етказиб бериш юзасидан 88 минг 541 та ва давлат эҳтиёжи учун бошоқли дон етказиб бериш бўйича 99 минг 620 та контрактация шартномаларини тузиш жараёнида бевосита иштирок этиб, томонларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиб келмоқдалар. Шу боис, Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари нафақат давлат эҳтиёжи учун қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш бўйича контрактация шартномаларининг қонуний тузилиши, балки уларнинг тўғри ижро қилинишини ҳам назорат этиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

**Рустам ТУРДИЕВ,**
**Адлия вазирлиги Шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бошқармаси етакчи маслаҳатчиси**

**Таҳририятга Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, Янгиқўрғон фуқаролар йиғини, Янгиқўрғон кўчаси, 132-уйда яшовчи Раъно Маматхонова йўллаган шикоятда шундай жумлалар бор:**

**"Мен 1986 йилдан буён Олтиариқ тумани тиш даволаш поликлиникасида ишлаб келаман. Маълумотим олий. Уч нафар фарзандим бор. 2006 йилдан буён ушбу поликлиниканинг бош шифокори лавозимида фаолият юритиб келаётгандим. Яқинда аниқроғи, туман соғлиқни сақлаш бўлими мудири Т. Саримсоқовнинг оғзаки топшириғини бажармаганим учун менга тазйиқ ўтказила бошланди...**

● Журналист суриштируви

# БИР КУНДА...

## икки марта ишдан бўшатилди



1

2008 йилнинг январь ойида меҳнат таътилида эдим. Мени уйимдан йиғилишга чақириб олди ва "бюджетдан берилган дори-дармонларни ўзлаштиргансан", деб айблади. Мен унга ҳеч қандай дори-дармонларни ўзлаштирмаганимни айтдим. Лекин у эшитишни ҳам истамади...

Хуллас, шу йилнинг 2 февралида 16-сонли буйруқ билан Меҳнат кодексининг 100-модда, 2-бандига асосан эгаллаб турган вазифамдан озод этилдим...

Илтимос, менга ўз ҳақ-ҳуқуқларимни тиклашда ёрдам берсангизлар."

Аризани тўлиқ келтирмаганимизнинг биринчи сабаби, Раъно Маматхонова билан туман соғлиқни сақлаш бўлими мудири Т.Саримсоқов ўртасида нима бўлиб ўтганидан, раҳбар қўл остидаги ходимга қандай оғзаки буйруқ берган-у, ходим нега уни бажармаганидан биз бехабармиз. Шунинг учун ҳам масаланинг бу томонини ойдинлаштириш фикридан йироқмиз. Р.Маматхонованинг ишдан қонуний ёки ноқонуний бўшатилганига келсак...

Энг аввало, Р.Маматхонова нега Меҳнат кодексининг 100-моддаси, 2-банди билан ноҳақ ишдан бўшатилдим, деган даъво билан ариза ёзганини ойдинлаштиришга ҳаракат қилиб кўрсак. Маълумки, Меҳнат кодексининг 100-моддаси, 2-бандида **"Ходимнинг малакаси етарли бўлмагани ёки соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишга нолойиқ бўлиб қолиши"** сабабли меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиниши мумкинлиги таъкидланади. Биз журналистик суриштирув ўтказган

2

ишда эса, аксинча, яъни, Р.Маматхонова соғлиғидан шикоят қилмаган. Қолаверса, у 2007 йил 4 майдан бошлаб, 2007 йилнинг 28 майигача ўз малакасини ошириб, 8306 рақамли гувоҳнома олган. Унинг малака ошириганидан туман соғлиқни сақлаш бўлими раҳбарлари ҳам хабардор.

Журналистик суриштирув давомида бизга туман соғлиқни сақлаш бўлими мудири ва унинг муовини томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар шундай гувоҳлик беради.

Биринчи ҳужжат: 2007 йилнинг 1 февраль куни Олтиариқ туман тиш даволаш поликлиникасида ўтказилган йиғилиш баёни.

Ушбу йиғилишни даволаш бўйича бош ҳаким ўринбосари Ш.Бузруков ўтказган. Тиш даволаш поликлиникаси бош ҳакими Р.Маматхонова йиғилишда қатнашишдан бош тортган. Чунки унга йиғилишдан аввал ўз хоҳиши билан бош шифокорликни топшириш "таклифи" бўлган. Табиийки, Р.Маматхонова бу таклифни қабул қилмаган.

Йиғилишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фарғона вилояти бўйича назорат инспекциясининг туман соғлиқни сақлаш бўлими тасарруфидаги тиш даволаш поликлиникасида ўтказган текширув натижалари муҳокамаси ва йўл қўйилган хато-камчиликларни тузатиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш масаласи кўрилган. Йиғилишнинг қарор қисмида "Тиш даволаш поликлиникаси бош ҳакими ўз хизмат вазифасини бажаришда йўл қўйган камчиликлари, муассасада ижро интизомини сусайтириб юборганлиги, меъёрий ҳужжатлар юритилиши, амалдаги буйруқ ва қарорлар талаблари бажарилишида камчиликларга йўл қўйилганлиги, бош ҳакимда раҳбарлик қобилияти етарли бўлмаганлиги учун тиш даволаш поликлиникаси бош ҳакими Р.Маматхонова эгаллаб турган лавозимидан озод қилинсин..." дейилади.

Энг қизиғи, шу куннинг иккинчи ярмида поликлиникада яна бир йиғилиш ўтказилиб, унга ҳам Ш.Бузруков раислик қилади. Навбатдаги йиғилишда ҳам поликлиника бош ҳакими Р.Маматхоновани "вазифасидан озод қилиш" масаласи кун тартибига қўйилади ва бу гал Р.Маматхонова овозга қўйиш йўли билан эгаллаб турган лавозимидан озод қилинади. Ёпиқ тарзда ўтказилган овоз беришда 48 нафар ходим қатнашади ва 44 нафар ходим (!) овоз беради. Буни қарангки, овоз беришда қатнашган ходимларнинг 22 нафари қарши, 21 нафари Р.Маматхонованинг ўз ишида қолишига тарафдор ва фақат биргина ходим бетараф бўлиб чиқади. Ана шу биргина овоз билан Р.Маматхонованинг "тақдир"и ҳал қилинади. Яъни у ўша куннинг ўзида иккинчи марта "эгаллаб турган лавозимидан озод қилинади".

Журналистик текширув жараёнида маълум бўлишича, Р.Маматхонова биринчи ўтказилган йиғилиш қароридан ва унинг ноқонуний ўтказилганидан норози бўлиб, туман ҳокимлигига мурожаат қилади. Шундан сўнг тезлик билан иккинчи йиғилиш ўтказилади ва аризачи яна вазифасидан бўшатилади.

Шу ўринда яна бир масалага тўхталиб ўтсак. Маълумки, амалдаги қонунчиликка кўра, тиш даволаш поликлиникаси бош ҳакими сайланмайди, аксинча, туман соғлиқни сақлаш бўлими мудири томонидан тайинланади. Демак, юқоридаги "сайлов" эса...

3

Энди биринчи йиғилиш баёнида таъкидланган назорат инспекциясининг текширувлари натижасига келсак. Дарҳақиқат, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фарғона вилояти бўйича назорат инспекцияси мутахассислари томонидан Олтиариқ туман соғлиқни сақлаш бўлимида текширув ўтказилган. Текширув натижасига кўра, нафақат туман тиш даволаш поликлиникасида, балки бошқа бўлимларда ҳам бир қатор хато-камчиликлар аниқланган. Лекин "вазифасидан озод этилиш" биргина Р.Маматхонованинг чекига тушган. Қолаверса, Р.Маматхоновани вазифасидан озод этиш ҳақидаги туман соғлиқни сақлаш бўлими мудири буйруғида назорат инспекцияси томонидан ўтказилган текширув ҳақида бирон-бир жумла йўқ. Демоқчи бўлганимиз, тиш даволаш поликлиникасида ўтказилган икки йиғилиш баёни ва раҳбар буйруғи бир-бирини тўлдирмаган...

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Р.Маматхонованинг "ўз вазифасидан озод қилиниши" масаласи қонун доирасида кўриб чиқилмагандек таассурот қолдиради кишида. Бир кунда икки марта йиғилиш ўтказилиб бўлса-да, у ишдан "бўшатилган". Р.Маматхонованинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинган. Ўйлаймизки, мақола чоп этилгач, соҳа раҳбарлари ва мутасадди идоралар вакиллари бу ҳолат хусусида қонун нуқтаи назаридан ўз хулоса ва сўнгги сўзини айтишади....

**Ислом ҲАМРО,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

**Адлия вазирлиги томонидан мамлакатимизда фаолият юритаётган оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ҳуқуқий мавзуда ёритилаётган материалларнинг сифат ва мазмундорлигини ошириш мақсадида ибратли ишлар қилиняпти. Хусусан, жорий йилнинг апрель-май ойлари давомида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда "Жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ОАВлар ўрни ва аҳамияти" мавзуида ўқув-семинарлари ўтказилди. Энг муҳими, ҳудудий адлия идораларининг маҳаллий ва марказий ОАВлар билан яқин ҳамкорлиги йўлга қўйилиб, журналистлар ушбу ташаббусни қўллаб- қувватлатладилар.**

**Биз ушбу тадбирлар жараёнида қатнашчиларнинг фикр-мулоҳазаларига қизиқдик.**

● Тадбир

# ЯҚИН ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ



**Дилмурод Абдураҳимов — Жиззах вилояти телерадиокомпанияси бош муҳаррири:**

— Бу тадбир ҳуқуқий мавзудаги кўрсатув ва лавҳаларимизнинг мазмундорлигини таъминлашда ёрдам бериши шубҳасиз. Ўйлайманки, кўрсатувларимизда ҳуқуқшунос мутахассис иштироки билан бирга мутахассис муаллифлигини ҳам ташкил этсак, бу борадаги ишларимиз янада жонланган бўлар эди.

**Муҳаммаджон Обидов, — Журналистлар ижодий уюшмаси Фарғона вилояти бўлими раиси:**

— Бундай семинар адлия идоралари билан ҳамкорликнинг янги босқичларга чиқишида, энг муҳими, бу йўналишда журналистлар ёритаётган материалларнинг мазмундорлиги ҳамда кўламининг ошишига хизмат қилади. Республикамиздаги бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари ҳам шундай тадбирларга қўл урсалар фойдадан холи бўлмасди, деган фикрдаман.

**Низом Аҳмедов — "Қашқадарё" газетаси бош муҳаррир ўринбосари:**

— "Адлия идоралари: ОАВ нигоҳида" номли танловнинг эълон қилиниши ҳам биз журналистларни янада сермаҳсул ижод қилишга ундамоқда. Семинарда экспертларимиздан ҳуқуқий мавзудаги мақолаларнинг мазмунан бойитилиши учун қандай жиҳатларга кўпроқ эътибор бериш лозимлиги ҳақида маслаҳатлар олдик.

**Раъно Валиева — Олий Мажлис Сенати аъзоси (Навоий вилояти):**

— Яхши бошланган ташаббус, албатта, ўзининг ижобий самарасини беради, мазкур тадбирлар журналистларимизнинг ОАВ фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатлар, уларга киритилган ўзгартиш ва янгиликлар борасидаги тушунчаларини янада оширади, деб ўйлайман. Адлия идоралари томонидан норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламлари ва бошқа тарқатма материалларнинг ҳар бир иштирокчига тақдим этилиши ҳам журналистлар учун катта ҳуқуқий манба бўлиб хизмат қилади.

**Хуллас, семинарлар орқали адлия идоралари ва маҳаллий ҳамда марказий ОАВ ходимлари билан янада яқин ҳамкорлик ўрнатилаяпти. Зеро, фуқароларимиз учун қонун хужжатларининг моҳияти ва мақсадларини халқчил тилда етказилишини таъминлаш, журналистлардан катта маҳорат ва зарур ҳуқуқий билимларга эга бўлишни тақозо қилади.**

**Тўрабек ТЎРАЕВ,**
**Адлия вазирлиги Ахборот хизмати ходими**

● Мезон

# КОНСТИТУЦИЯ — ҲАЁТИМИЗ КАФОЛАТИ

**Бугун мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, фуқароларимизнинг турмуш шароитини яхшилаш, халқаро майдонда республикамизнинг муносиб ўрин эгаллаши, бир сўз билан айтганда, ҳар бир соҳада қандай марраларни қўлга киритган бўлсак, буларнинг барчасига Конституциямизда белгилаган ҳуқуқий меъёрлар асосида эришганлигимизни мамнуният билан таъкидлаш жоиз.**

Конституциямизнинг 18-моддасида мамлакатимиздаги барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг эканлиги белгиланган. Ушбу модда энг аввало, барча фуқароларимизнинг тенглик принципи асосида яшашларини таъминлаши баробарида республикамизда истиқомат қилаётган бошқа миллат ва элатлар вакилларига бўлган ҳурмат ва эҳтиромни ҳам таъминлайди. Қолаверса, бу конституциявий қоида 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси"-нинг 2-моддасига тўла мос келади.

Бош қомусимизда белгилаб қўйилганидек, фуқароларимиз малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, таълим олиш, меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш, ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига ҳам эгадирлар.

Конституциямиз бизнинг ҳуқуқ ва эркинлигимизни белгилаб бериш билан бирга, маълум бир соҳаларда сезиларли натижаларга эришишни ҳам таъминланмоқда. Масалан, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими қайта кўриб чиқилиб, аҳолига бепул шошилинч ва юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатадиган ихтисослаштирилган шифохоналар тармоғи ташкил этилди. Ушбу шифохоналар замон талабларига жавоб берадиган диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланди. Шунингдек, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида салкам 11 йил муқаддам Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши ҳам бунинг яққол мисоли бўла олади.

Айниқса, Ўзбекистонда ижтимоий сиёсатни амалга оширишда бош қомусимизда белгиланган халқимизнинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлашга интилиши дастуриламал қилиб олингани алоҳида эътиборга лойиқдир. Биргина ўтган 2007 йилда юртимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида барча манбалар ҳисобидан салкам 484 миллиард сўм маблағ сарфланганлиги бу соҳада амалга оширган улкан ишларимиз ҳажми ва салмоғини яққол намоён этади. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда ҳар томонлама мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга бўлган ижтимоий ҳимоя тизими шаклланган.




**Миржалол АЛЛАҚУЛИЕВ,**
**Адлия вазирлиги масъул ходими**

# Шоакбар Шораҳметов



Ҳуқуқшунослик фани оғир жудоликка учради. Забардаст олим, ўз касбининг фидойиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлари доктори, профессор Шоакбар Шораҳметов 77 ёшида ҳаётдан кўз юмди.

Шоакбар Шораҳметов 1931 йил 26 августда Чимкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. 1954 йилда Тошкент юридик институтини тамомлагач, 1954-1961 йиллар давомида Наманган вилояти Задарё, Тўрақўрғон туманларида бир қатор масъул вазифаларда фаолият юритди. 1964 йилда Ўзбекистон Фанлар Академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти аспирантурасини, кейинчалик Москвадаги Юридик фанлари институти (ЮИБИ)-нинг аспирантурасини тамомлади. 1965 йил май ойида "Рационализаторлик таклифларининг ҳуқуқий тартибга солиниши" мавзуида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Сўнгра Ўзбекистон Фанлар Академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтида катта илмий ходим ва бошқа бир қатор масъул вазифаларда фаолият юритди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, устоз Шоакбар Шораҳметов илмий йўналишдаги сермазмун ижодий фаолияти давомида 200 га яқин илмий иш, бир қатор дарслик ва ўқув қўлланмалари яратди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, бир қатор қонунлар, суд амалиёти ва Фуқаролик процессуал кодекси асосида унинг муаллифлигида Фуқаролик процессуал ҳуқуқи, Хўжалик процессуал ҳуқуқи ва 2005 йилда Фуқаролик ишларини судда кўришга доир процессуал ҳужжат намуналарига шарҳ каби дарсликлар нашр этилиши ҳамда Фуқаролик процессуал кодексига шарҳларнинг тайёрланиши таҳсинга сазовордир. Шоакбар Шораҳметовнинг Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг янги лойиҳасини тайёрлаш ишчи гуруҳининг раиси сифатида ҳам ўз салоҳиятини намоён этди.

Ўз касбининг фидойиси, забардаст ҳуқуқшунос олимнинг самарали меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Меҳнат шуҳрати" ордени ҳамда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги кўкрак нишонига сазовор бўлган.

Устоз олим умрининг сўнгги йилларигача Тошкент Давлат юридик институти "Фуқаролик процесси" кафедрасини бошқариб келди.

Шоакбар Шораҳметов катта илмий-амалий ҳаёт йўлини босиб ўтди, ҳуқуқ соҳасида ўзига хос мактаб яратди. Устоз яратган бу мактаб унинг шогирдлари томонидан муносиб тарзда давом эттирилади.

Ажойиб устоз, ҳуқуқ илми фидойиси Шоакбар Шораҳметовнинг ёрқин хотираси қалбимизда яшайди.

**ТДЮИ жамоаси**

TURON BANK

● Қонун кўзгуси

**Инсон ҳаётининг асосий қисми мулкий масалалар билан боғлиқ. Яшаш учун уй-жой, автомашина, дала-ҳовли, банкдаги пул маблағлари ва ҳоказолар шулар жумласига киради. У тирик экан, ушбу мулкларни хоҳлаган вақтда тасарруф этишга ҳақли. Лекин вафотидан кейин ушбу мулкни ўзи хоҳлаган шахс тасарруф этиши фақат васиятнома расмийлаштириш орқалигина амалга оширилади. Чунки мерос икки хил тарзда, қонун бўйича ва васиятнома бўйича олиниши мумкин.**

## ВАСИЯТНОМА НИМА?

Ўзбекистон Республикаси Фуқарорлик кодексига биноан фуқаро ўзининг барча мол-мулкини ёки унинг муайян қисмини қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирадиган, шунингдек, кирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, шу билан бирга юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкин.

Демак, васиятнома бўйича тақсимланган мулк бу айнан фуқаронинг эрк-иродасига биноан тузилиб, унинг охирги хоҳишини бажариш билан боғлиқ жараён ҳисобланади.

Васиятномани расмийлаштиришнинг асосий жиҳатларидан яна бири мерос қолдирувчининг вафотидан сўнг унинг қариндошлари, яъни, меросхўрлар ўртасидаги мулкий низоларнинг олдини олиш ҳисобланади. Чунки васиятнома орқали васият қилувчи қонун бўйича меросхўрлардан биттасини, бир нечасини ёки ҳаммасини изоҳ бермаган ҳолда меросдан маҳрум қилишга ҳақли. Мерос қолдирувчи васиятнома тузилганидан кейин уни истаган пайтда бекор қилиш ёки ўзгартириши мумкин бўлиб, унинг сабабларини кўрсатишга мажбур эмас. Васиятноманинг вакил орқали тузилишига йўл қўйилмайди.

**Муяссар ТОШПЎЛАТОВА,**
**Тошкент шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус**

## ҚАРЗ ШАРТНОМАСИ

**Қарз олиш ва бериш азал-азалдан мавжуд. Тараққиёт туфайли эса ушбу "анъана" қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинди.**

**Агар қарз олинаётган пул энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ бўлса, қарз шартномаси оддий ёзма шаклда тузилади. Яъни қарздор пулни олганлиги ҳақида ёзма тилхат беради.**

Қарз берувчи қарз суммасига нисбатан шартномада белгиланган миқдорда фоизлар олиш ҳуқуқига ҳам эга.

Масалан, қарз берувчи шартномада қарздорга олган қарзини белгиланган муддатда қайтаришини қатъий қилиб қўйса, лекин қарздор ушбу муддатда қарзни қайтариб бермаса, илгариги тўланган фоизлардан қатъи назар, ўз вақтида берилмаган муддатга қўшимча фоиз олиш ҳуқуқига эга. Яъни, фуқаро 100 минг сўм қарз олиб, уни тўрт қисмга бўлиб қайтариш мажбуриятини олган, дейлик. Аммо белгиланган муддатларда қарзнинг бир қисмини тўламаса, қарз берувчи ундан қарзнинг қолган қисмини тўлиқ миқдорда қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли.

Фуқаролик кодексининг 110-моддасида битимлар қонунда белгиланган тартибда ёки томонларнинг талабига биноан нотариал тасдиқланиши белгиланган. Қарз шартномаси қонун бўйича, албатта, нотариал тасдиқланиши лозимлиги кўрсатилмаган бўлса-да, ҳар хил келишмовчиликлар ёки низоларнинг олдини олиш мақсадида унинг нотариал тасдиқланиши мақсадга мувофиқдир. Кўпчилик ҳолларда қарз шартномаси нотариал тасдиқланишини фуқаролар хоҳламайдилар, чунки уни расмийлаштириш учун давлат божи тўланади. Лекин оғзаки битим орқали қарз бериб, пулни ўз вақтида ололмасдан, оқибатда судга мурожаат этгандан кўра, (бу ҳам моддий харажатларга олиб келади) шартномани нотариал расмийлаштириш афзал ҳисобланади. Чунки нотариал тасдиқланган қарз шартномасида қарз берувчи ва қарз олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қарзни ўз вақтида тўламаслик оқибатлари ва ҳоказолар ўз аксини топади. Мабодо, ушбу шартнома бўйича қарздор ўз вақтида қарзни қайтармаса, унга асосан нотариус ижро хатини ёзиши мумкин. Ижро хати қарздор олган қарзини тўлашга маблағи бўлмаган тақдирда ёзилади, бу эса суднинг ижро варақасига тенглаштирилган ҳолда, суд ижрочилари томонидан қарзни тўлаш бўйича қарздорга тегишли мулкка қаратилади ва унинг ижроси қонуний йўл билан таъминланади.

**Фазлиддин ҲОЖИМАТОВ,**
**Фарғона вилоятида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус**

**Халқимизда кўрпангга қараб оёқ узат, деган ибратли нақл бор. Аммо гулдек касби, фаровон турмуши кўзига кўринмай, қабоҳат ботқоғига ботган айрим кимсаларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари кишининг кўрпаси тугул, унга тааллуқли бўлган маҳаллаю қишлоқ, қавму қариндошлар, хуллас, барча одамларнинг ишончига ўт қўяди.**

● Нафс

# УЧ ОҒАЙНИ "БОТИРЛАР"

Марғилон шаҳрида яшовчи эндигина 25 ёшга тўлган А.Тожибаевнинг қилмиши ҳам эл орасида унинг юзини шувут қилди.

У 2006 йил октябрь ойида синфдошлари — АТ "Ҳамкорбанк"инининг Авиасозлар филиалида ЭҲМ мутахассиси бўлиб ишлаётган А.Аҳмадалиев ва шу банкнинг Яккасарой филиалида "пластик карточкалар администратори" вазифасида хизмат қилаётган Р.Рўзибоевлар билан жиноий тил бириктириб, ўзганинг катта миқдордаги мулкини ўзлаштириш режасини туздилар.

Р.Рўзибоев компьютер техникасини яхши тушунар, шу орқали обрў топиб, ҳалол меҳнат билан кунини кўриб юрарди. Аммо билимнинг "зўрлиги" халал бера бошладими, энди касбидан қинғирлик йўлида фойдаланишга ўтди. Текиндан бойлик орттириш мақсадида тузилган хуфя режаси ҳақида ҳамкасб дўсти А.Аҳмадалиевга ёрилди. А. Аҳмадалиев аввалига бунга ишонмади, аммо Р. Рўзибоев бу режа жуда ҳам пухта ўйлангани, ҳатто тажрибадан ўтганини исботлагандан кейин хурсанд бўлди. Навбатдаги масала ишнинг асосий қисмини бажарадиган ҳамкор топиш эди. Уларнинг хаёлига айни пайтда Қирғизистонда вақтинча яшаб, ўша ерда таҳсил олаётган А.Тожибаев деган синфдоши келди ва тезда сим қоқдилар. А.Тожибаев уларнинг антиқа режасини эшитгач, ҳозир она юртидалиги, қўшни давлатга ўтгач, бу ишга бажонидил бош қўшишга розилигини айтди ҳамда орадан икки-уч кун ўтказиб, Қирғизистон Республикаси, Ўш вилояти, Қорасув туманида яшовчи қариндоши М. Маткеримов билан учрашди. Улар жиноий тил бириктиришгач, А.Тожибаев Тошкентдаги биродарларига режани амалга ошириш вақти келгани ҳақида "кўрсатма" берди.

Белгиланган режага мувофиқ, 2006 йилнинг 16 октябрида Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Лисунова кўчасида жойлашган "ТЕДОН-ГАН" хусусий фирмасига қарашли Интернет клубидаги компьютер курсисига маҳкам ўрнашган Р.Рўзибоев АТ "Ҳамкорбанк"инининг Тошкент филиали Оқтепа минибанкининг "Быстрая почта" пул ўтказиш тизимига кириб, калит сўз ва паролллардан фойдаланган ҳолда Дилдора Раҳимова номидан Қирғизистон Республикаси, Ўш вилояти, Қорасув туман ОАО РСК филиалига, М.Маткеримовнинг номига 10.000 АҚШ долларини ўтказди.

Ўша куни Тошкентдан А.Аҳмадалиев вакил сифатида хорижга чиқиш тартибини қўпол равишда бузиб, банк атрофига боради ва А.Тожибаев, М.Маткеримовлар билан учрашди. Шиддатли замонани қаранг, пул 20 минутда Қирғизистон фуқароси номига келиб тушди. Вақтдан унумли фойдаланган М.Маткеримов А.Тожибаев билан бирга банкка киради ва тегишли ҳужжатларга имзо қўйиб, пулни олиб чиқади. Ўзаро келишувга мувофиқ, М.Маткеримовга 1.500 АҚШ доллари хизмат ҳақи сифатида қолдирилади, 1.500 АҚШ доллари эса А.Тожибаевга ажратилади, қолгани эса А.Аҳмадалиев довон ортидаги мўъжаз шаҳарда кутиб турган Р.Рўзибоевга етказиш учун ошиқади.



Уч оғайнининг жиноий қилмиши тезда фош бўлди. А.Тожибаев орадан ҳеч қанча фурсат ўтмай, М.Маткеримовнинг Қорасув шаҳар ИИБ томонидан ушланганини, А.Аҳмадалиев ҳам 2007 йил февраль ойида Чилонзор тумани прокуратураси томонидан қўлга олинганини эшитди. Аммо ҳали ўқиши битмаган, юртига борса ҳолига маймунлар йиғлашини билиб, сояга айланиб яшашга мажбур бўлди.

Ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Йигитликнинг такрорланмас даврида А.Тожибаев Жиноят кодексининг 167-моддаси, 3-қисми, "а,г" бандлари ва 223-моддаси, 2-қисми, "б" банди билан айбдор деб топилди ҳамда қонуний жазосини олди. Етказилган зарарлар айбдорлар томонидан солидар тартибда ундириладиган бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда ёшларга кенг имкониятлар, ўқиш ва фаровон ҳаёт кечиришлари учун қулай имтиёзлар яратилаётган бир пайтда бундай текинхўрлик, товламачилик билан ҳаёт қуришга интилишни ҳеч қачон оқлаб бўлмайди.

Эртанги куннинг келажаги ёшларнинг билим ва тафаккури, шижоати ва ғайратига бориб тақалар экан, уларга тўғри йўл кўрсатиш ҳаммамизнинг асосий бурчимиздир.

**Мирза ҚАҲҲОРОВ,**
**Чилонзор тумани прокурори ўринбосари,**
**Алимурод ТОЖИЕВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

Тошкент шаҳридаги 38-сонли ўрта мактаб томонидан 1966 йилда Хайло Нина Павловна номига берилган № 243526 рақамли ўрта маълумот ҳақидаги аттестат йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**


*Саёҳатингизни «Ўзбекистон ҳаво йўллари» билан бирга режалаштиринг!*

UZBEKISTAN airways



Янги қатнов!

Тошкент ДУБАЙ Тошкент

Қатновлар ҳафтада бир марта жума кунлари А-310 самолётларида бажарилади.

Биринчи, бизнес ва иқтисод класслари Сизнинг хизматингизда.

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| HY 333 | A310 | ----5-- | 07-55 | 10-30 | HY 334 | 12-30 | 16-35 |

Маълумотлар учун телефонлар: (998 71) 140 - 02 00. www.uzairways.com

*«Ўзбекистон ҳаво йўллари» - хавфсизлик, барқарорлик, қулайлик!»*


**ЭЪЛОН!**

**Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси Ғузор тумани хусусий амалиёт билан шуғулланувчи бўш нотариуслик лавозимига**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!**

*Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.*

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

*1. Комиссия номига ариза;*
*2. Паспорт нусхаси;*
*3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*
*4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.*

*Талабгор ўзининг касбий тайёргарлигини таърифловчи бошқа ҳужжатларни ёхуд уларнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиши мумкин.*

**Танловда қатнашишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида вилоят адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим.**

**Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси телефонлари: (8375) 223-01-62, 223-01-67**

Бухоро вилояти адлия бошқармаси ҳузуридаги адвокатура бўйича Малака комиссиясининг 2008 йил 26 май кунги қарорига асосан Бухоро шаҳар «Ишончли Ҳимоя» адвокатлик фирмасининг адвокати Бахтиёр Ғаниевич Тошевга Бухоро вилояти адлия бошқармаси томонидан 2006 йил 27 октябрь кунида берилган BH 000250-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия 3 ой муддатга тўхтатилганлиги маълум қилинади.

Навоий вилояти адлия бошқармаси томонидан Навоий шаҳар 1-сонли давлат нотариал идораси давлат нотариуси Фозилова Малика Абдуллаевнага 2000 йил 24 ноябрда берилган NV 000034 рақамли нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши тугатилганлиги маълум қилинади.


ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Махмудов Лазизжон Мирзаевич
Раҳмонов Абдукамол Шодиевич
Маматов Шоди Суюнович
Матрасулов Давлатназар Раҳимберганович
Саидов Шокир Камолович
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Алимурод ТОЖИЕВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» ҳуқуқий газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Буюртма Г-515. Тиражи — 11957. [t] — тижорат мақола.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 233-84-50, Факс: 233-65-99.

1 2 3 4 5 7 8

Сотувда эркин нархда